

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

17-18-сон
(153-154)
2005 й.
апрель-май

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

126. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 апрелдаги ПФ–3601-сон Фармони
127. «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 апрелдаги ПФ–3602-сон Фармони
128. «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг номини ўзгартириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 майдаги ПФ–3603-сон Фармони
129. «Шаҳарларда йўл қурилишини ташкил этишни такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 апрелдаги ПҚ–62-сон қарори
130. «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ–66-сон қарори
131. «Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил

килиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 6 майдаги ПҚ-69-сон қарори

Бешинчи бўлим

132. «Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2005 йил 14 мартдаги 33, 01/06-18/02-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 27 апрелда 1473-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
133. «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 19 мартдаги 5/2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 27 апрелда 630-8-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
134. «Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 19 мартдаги 5/3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 27 апрелда 573-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
135. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2005 йил 19 мартдаги 5/4, 2005-1216-02-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 27 апрелда 1216-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
136. «Ихтирога Ўзбекистон Республикаси патентини бериш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2005 йил 30 мартдаги 27-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 27 апрелда 1329-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
137. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 9 апрелдаги 6/3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 30 апрелда 1337-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
138. «Шахпахта конини қўшимча очиш бўйича 2004 йил 14 апрелдаги маҳсулот тақсимотида оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси

орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштирув қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг 2005 йил 7 апрелдаги 01-02/20-5, НН-01/10-1213-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 2 майда 1474-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 23 апрелдан 6 майгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

126 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3-сонли қарорини ижро этиш юзасидан ҳамда коммунал хизматлар соҳасига замонавий ҳисобга олиш приборлари ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича тасдиқланган Дастурга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иловага мувофиқ айрим фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. 2005 йилнинг 1 сентябрга қадар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги «2002—2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 99-сонли қарорининг 8-бандида белгиланган имтиёзларнинг амал қилиши узайтирилиши;

худудий газ таъминоти корхоналари учун экология солиғи ҳамда Республика йўл жамғармаси, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, бюджетдан ташқари Мақтаб таълими жамғармасига тўловларни ҳисоблаш чоғида аҳолига сотилган газни ҳисобга олиш приборлари қиймати солиққа тортиш объектдан чиқарилиши белгилаб қўйилсин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 28 апрель,
ПФ-3601-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2005 йил 28 апрелдаги ПФ-3601-сонли
Фармонига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 19 декабрдаги «Коммунал хизматни бошқариш тизимини янада ислоҳ қилиш тўғрисида»ги ПФ-2791-сонли Фармонида:

а) 1-бандда:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «худудий коммунал-фойдаланиш бирлашмасини бевосита Тошкент шаҳар ҳокимлиги қарамоғига топшириш»;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Тошкент шаҳар худудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси зиммасига қуйидаги коммунал хизматлар кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифалари юклансин:

аҳолига комплекс уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш, уни ичимлик суви, марказий иситиш, канализация билан таъминлаш;

уй-жой коммунал хўжалиги объектларини мавсумий фойдаланишга тайёрлаш борасидаги ишларни ўтказиш;

кўп хонадонли уйларни капитал таъмирлаш бўйича ишларни белгиланган тартибда ташкил этиш;

уй-жой эгалари ширкатлари ҳамда ягона буюртмачи хизматларини, уй-жой фондига хизмат қилиш ва коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича муқобил пудрат ташкилотларини тузиш учун зарур ташкилий-иқтисодий шарт-шароитларни яратиш;

шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш ҳамда санитария жихатидан тозалаш борасидаги ишларни ташкил этиш.»

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги ПФ–2832-сонли Фармони 3-бандининг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

127 Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида

Иқтисодиётнинг хусусий секторини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, табиий монополия корхоналари фаолияти устидан назоратни кучайтириш, банкрот ва монополист корхоналарни қайта ташкил этиш, рақобат муҳитини шакллантириш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг бозор тизимини яратиш бўйича қатъий чора-тадбирларни амалга оширишни, шунингдек истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

хусусий секторни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, жумладан хусусий тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати ва рақобатчилик қобилиятини чуқур таҳлил этиш, Монополиядан чиқариш соҳасида, жумладан йирик монополист корхоналарни кичиклаштириш ва таркибий жиҳатдан ўзгартириш, улар негизда ички ва ташқи бозорларда самарали рақобат қила оладиган хусусий мустақил ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича амалий тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

табиий монополия тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва улардан рақобат муҳити шароитида фаолият кўрсата оладиган корхоналарни ажратиб олиш ва хусусийлаштиришни назарда тутадиган дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

табиий монополия корхоналари ўзларининг ички бозордаги монопол мавқеидан фойдаланиб, ишлаб чиқараётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар нархларини асоссиз равишда сунъий оширишларига йўл қўймаслик мақсадида улар устидан назоратни амалга ошириш;

йирик монополияларнинг рақобатга зид ҳаракатларини, нопок рақобатчилар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ноҳалол рақобатни, товарлар ва хизматлар бозорлари монополия қилиб олинишини чеклаш ҳамда пайини қирқишни таъминлайдиган рақобат муҳити учун ҳуқуқий майдонни такомиллаштириш;

иқтисодий ночор корхоналар тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш чоғида давлат манфаатларини ифода этиш, корхоналарни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларнинг банкротлиги соҳасида давлат бошқаруви вазифаларини амалга ошириш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилиш тизимини истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи жамоат тузилмалари билан мустаҳкам мувофиқлаштирган ҳолда ташкил этиш;

реклама соҳасида нопок рақобатга йўл қўймаслик мақсадида реклама бозорини тартибга солиш.

3. Белгилансинки, қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган ҳудудий органлари ҳисобланади:

Қорақалпоғистон Республикасида — Қорақалпоғистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўлими негизда ташкил этиладиган Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси;

вилоятлар ва Тошкент шаҳрида — Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармалари, иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўлимлари негизда ташкил этиладиган монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармалари.

4. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига, ўз ваколати ва Қўмита тўғрисидаги тасдиқланган Низом доирасида, улар чиқарган қарорларни бекор қилиш ёки монополияга қарши ишларни тартибга солиш, банкротлик, рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги қонунчиликни бузадиган хатти-ҳаракатларни тўхтатиш ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисида тақдимномалар бериш, шунингдек берилган тақдимномалар ижросини назорат қилиш;

нопок рақобатчилар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда мансабдор шахслари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслари томонидан монополияга қарши ишларни тартибга солиш, банкротлик, рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги қонунчилик бузилган ҳолларда уларга қарши судларда даъво кўзғатиш;

монополист корхоналарга, иқтисодий ночорлик аломатлари мавжуд бўлган ёки банкротга учраш ҳолатига келиб қолган корхоналарга уларни кичиклаштириш ва таркибий жиҳатдан ўзгартириш зарурлиги тўғрисида тақдимномалар бериш, шунингдек суднинг қарорига биноан шундай тақдимномаларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда мажбурий бажарилишини амалга ошириш;

хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда жарималар солиш;

истеъмоличилик ҳуқуқлари камситилгани тўғрисида истеъмоличиларнинг ариза ва шикоятлари юзасидан, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан келишилган ҳолда, ана шу ҳуқуқларни бузган корхона ва ташкилотларни текшириш (уларнинг молия-хўжалик фаолияти бундан мустасно).

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомни тасдиқласин, унда мазкур қўмита томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият эркинлиги камситилиши ва чекланишига йўл қўйилмаслиги назарда тутилган ҳолда унинг ҳуқуқ ва ваколатлари аниқ белгилаб қўйилиши кўзда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ўзи тақдим этадиган даъволар юзасидан кўриб чиқиш учун хўжалик судларига киритиладиган ишлар бўйича бож тўлашдан озод қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–2676-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги ПФ–1658-сон Фармонининг 3—9-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига, хусусан рақобат тўғрисидаги ҳамда товар бозорларидаги монополистик фаолиятни чеклаш, табиий монополиялар, банкротлик, истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларга ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида таклифлар киритсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Моно-

полиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 30 апрель,
ПФ-3602-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

128 Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг номини ўзгартириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-3602-сонли Фармони қабул қилиниши муносабати билан ҳамда давлат бошқаруви органлари ўртасида вазифалар, функция ва ваколатлар аниқ белгилаб қўйилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг номи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси (Давлат мулки қўмитаси) деб ўзгартирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари мазкур Фармонга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 4 май,
ПФ-3603-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

129 Шаҳарларда йўл қурилишини ташкил этишни такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Тошкент шаҳри, Самарқанд вилояти ва бошқа бир қанча вилоятларнинг ҳокимликлари шаҳарларни реконструкция қилиш ва ободонлаштириш, архитектура ва тарихий-маданий ёдгорликларни қайта тиклаш, транспорт магистраллари қуриш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини жойлаштириш бўйича ишларни шаҳар қурилиши талабларини қўпол равишда бузган ҳолда, шаҳарларнинг истиқболли бош режаларини аниқ-пухта ишлаб чиқмасдан, аҳоли пунктларини зарур лойиҳа-режалаштириш ҳужжатлари билан таъминламасдан амалга ошираётганлиги йўл қўйиб бўлмайдиган фактлар деб ҳисоблансин.

Қайд этилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республиканинг шаҳар қурилишига оид қонун ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 26 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–2595-сонли Фармонида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қатъий риоя этишлари устидан тегишли назоратни амалга оширмапти.

Шаҳар қурилишида тегишли тартиб ўрнатиш ва уларнинг узоқ истиқболга мўлжалланган комплекс реконструкция қилинишини таъминлаш, шаҳар марказлари ва архитектура комплекслари қурилиши бош режаларида шаҳарларнинг транспорт магистраллари ва кўча-йўл тармоқларини комплекс ривожлантириш бўйича қабул қилинадиган лойиҳалар сифатини ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси талабларига, шаҳар қурилишининг тасдиқланган норма ва қоидаларига риоя этилиши учун масъулиятни кучайтириш мақсадида:

1. Шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг истиқболли қурилишида кўплаб магистрал йўллар ва кўчаларда, ҳатто чорраҳаларда энг аввало узоқни ўйламасдан, вақтинчалик манфаатларни кўзлаб бешинам умумий овқатланиш нуқталари ва турли хил газакхоналар шаҳар қурилиши ва архитектура нормалари, коммуникация, транспорт ва санитария талаблари, истиқболли қурилиш режалари билан асло боғланмаган ҳолда қуриб ташланиши мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган амалиёт деб ҳисоблансин.

2. Белгилансинки, транспорт магистраллари ва тизимларининг чизмалари мақбуллаштирилган ҳолда шаҳарларнинг транспорт инфратузилмаси янги қурилиши, уни реконструкция қилиш ва янгилаш фақат шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг белгиланган тартибда тасдиқланган бош режалари асосида ва Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» кўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

3. Қуйидагилар транспорт магистраллари ва тизимларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳачилар этиб тайинлансин:

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида, Тошкент вилоятида — «Тошкентбошплан-ЛИТИ» лойиҳа институти;

вилоят марказлари ва шаҳар аҳоли пунктларида — «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ОАЖ лойиҳа институти;

қишлоқ аҳоли пунктларида — «Ўзқишлоқлойиҳа» МЧЖ лойиҳа институти.

4. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси:

уч ой муддатда «ТошкентбошпланЛИТИ» институти билан биргаликда Тошкент шаҳрининг транспорт инфратузилмасини мақбуллаштириш ва янгилаш бўйича лойиҳаларга тузатишлар киритсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин;

бир ой муддатда иловага* мувофиқ республика шаҳарларида транспорт инфратузилмасини ишлаб чиқиш ва янгилаш жадвали бўйича таклифлар тайёрласин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига такдим этсин.

5. Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси Вазирлар Маҳкамасига такдим этилган жадвалга биноан иловада кўрсатилган шаҳарларда транспорт инфратузилмасини мақбуллаштириш ва янгилаш бўйича лойиҳаларга тузатишлар киритсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 26 апрель,
ПҚ-62-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

130 Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-3602-сонли Фармонига мувофиқ ҳамда иқтисодиётни Монополиядан чиқариш, рақобат муҳитини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни янада авж олдириш мақсадида:

1. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси, шунингдек унинг марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ;

монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий органларининг намунавий тузилмаси ҳамда чекланган сони 3 ва 3а-иловаларга* мувофиқ;

* Иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги низом 4-иловага* мувофиқ.

2. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси марказий аппарати ходимларининг умумий чекланган сони 107 штат бирлиги, шу жумладан бошқарув ходимлари сони — 78 штат бирлигидан иборат этиб белгилансин.

Қўмита раисига зарур ҳолларда марказий аппарат тузилмасига белгиланган ходимлар сони ва уларни таъминлашга ажратиладиган маблағлар миқдори доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига 9 кишидан иборат хайъат тузишга рухсат берилсин. Хайъатнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва тегишли равишда унинг ҳудудий органлари:

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тузилган шартномаларнинг;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси балансида бўлган мол-мулкнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси тасарруфида бўлган офис ускуналари ва компьютер техникасининг ҳуқуқий ворислари ҳисобланади.

5. Қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлар вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, муассаса ва ташкилотлар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рақобатни бевосита ёки билвосита чеклаши ва монополияга қарши қонун ҳужжатлари принципларини бузиши мумкин бўлган, шунингдек тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига алоқадор бўлган қонун ҳужжатлари ҳамда қарорлари лойиҳалари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида ва унинг ҳудудий органларида олдиндан экспертизадан ўтказилиши мажбурийдир.

6. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси:

берилган ҳуқуқ ва ваколатларни амалга ошириш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги, «Табийий монополиялар тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги қонунларнинг талабларига қатъий амал қилсин, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти эркинлиги камситилиши ва чекланишига йўл қўймасин;

бир ой муддатда монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тегишли ҳудудий органларини ташкилий жиҳатдан ўзгартиришни амалга оширсин, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳудудий органларини жойлаштириш масалаларини ҳал этсин;

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси марказий аппарати ҳамда ҳудудий органларини юқори малакали кадрлар билан таъминласин.

7. Вазирлар Маҳкамаси Адлия вазирлиги, Олий ҳўжалик суди, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳўжалик юритувчи субъектларга фақат суд орқали жарима солиши ва уларнинг монополистик фаолият юритиши, истеъмолчилар ҳуқуқларини ва реклама тўғрисидаги қонунни бузган ҳолда асоссиз қўлга киритилган маблағлари (даромадлари, фойдалари)ни олиб қўйиш тўғрисида қарорлар қабул қилиши мумкинлигини назарда тутувчи қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар кириши тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

Олий ҳўжалик суди Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг барча илтимоснома ва даъволари биринчи навбатда кўриб чиқилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузурида Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳузуридаги Корхоналар санацияси жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Ижтимоий ривожланиш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси негизида, шунингдек Хусусийлаштириш давлат дастурини амалга ошириш, инвестиция ҳамда бозор тузилмаларини ташкил этиш ва ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси тасарруфида қолдириладиган маблағларнинг бир қисмини ажратиш ҳисобига Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий жиҳатдан ўзгартириш жамғармаси тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда белгиланган тартибда Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий жиҳатдан ўзгартириш жамғармасини шакллантириш ҳамда унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг марказий аппарати қуйидаги манзилда жойлаштирилсин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

вазирликлар ва идоралар ўзларининг норматив ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштириб олишларини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 2 май,
ПҚ-66-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

131 **Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПҚ-10-сон қарорига мувофиқ ҳамда аҳолининг ўз эҳтиёжлари учун уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва харид қилишга яқка тартибда қарз олувчиларга имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этиш учун молиявий маблағларни жалб этиш ва жамлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) асосий вазифалари этиб белгилансин:

ипотека кредити беришни ривожлантириш учун халқаро ва хорижий молия институтларининг узоқ муддатли кредитлари, инвестиция ҳамда грантларини, Жамғарма маблағларини тўлдирадиган бошқа манбаларни жалб этиш ва жамлаш;

ипотека кредити беришда иштирок этадиган «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банки ҳамда бошқа банклар (бундан буён матнда банклар деб юритилади) яқка тартибда қарз олувчиларга ўз эҳтиёжлари учун уй-жойлар қуриш, реконструкция қилиш ва харид қилишга (бундан буён матнда яқка тартибда қарз олувчилар деб юритилади) кредитлар бериши учун ана шу банкларга шартнома асосида кредит линиялари очиш;

Жамғарма томонидан банкларга бериладиган маблағлардан фақат мақсадли фойдаланилиши мониторингини таъминлаш;

Жамғарма тушумлари ва унинг маблағларидан фойдаланишнинг йиллик ҳамда чорак балансларини шакллантириш.

2. Қуйидагилар белгилансин:

Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилади ва у юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган нотижорат ташкилот ҳисобланади;

Жамғармани бошқариш бўйича Васийлик кенгаши Жамғарма бошқаруви юқори органи ҳисобланади;

Жамғарманинг ижроия дирекцияси Жамғарма ижроия органи ва унинг маблағларини тасарруф этувчиси ҳисобланади;

Жамғарманинг ижрочи директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва ундан озод қилинади;

Жамғарма ижроия дирекциясини таъминлаш жамғарма маблағлари ҳисобидан, Жамғармани бошқариш бўйича Васийлик кенгаши томонидан бюджет ташкилотлари учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

3. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш бўйича Васийлик кенгашининг таркиби 1-иловага* мувофиқ;

Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш Жамғармаси ижроия дирекциясининг бошқарув ходимлари сони 5 кишидан иборат бўлган тузилмаси 2-иловага** мувофиқ;

Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш механизми тўғрисидаги низом 3-иловага** мувофиқ.

4. Қуйидагилар Жамғармани бошқариш бўйича Васийлик кенгашининг функциялари этиб белгилансин:

хорижий кредитлар, инвестиция ва грантларни жалб этишда Жамғармага кўмаклашиш;

манфаатдор давлат ва нодавлат ташкилотларини Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилишга жалб этиш;

Жамғарма тушумлари ва унинг маблағларидан фойдаланиш прогнозларини тасдиқлаш;

банкларга бериладиган ҳар бир кредит линияси бўйича фоиз ставкасини тасдиқлаш;

Жамғарма ижроия дирекцияси фаолияти устидан, хусусан тушумлар манбаларини шакллантириш, кредит линияларини ўз вақтида очиш ва тўлаш соҳасида назоратни амалга ошириш.

5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

халқаро ва хорижий молия институтларининг имтиёзли узоқ муддатли кредитлари, инвестиция ва грантлари;

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурида назарда тутилладиган давлат бюджети маблағлари;

ипотека кредита бериш учун банклардаги кредит линиялари бўйича фоизлар ҳисобидан ҳамда Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини қисқа муддатли давлат хазина мажбуриятларига ва банклардаги депозитларга жойлаштиришдан, шунингдек қимматли қоғозлар бозоридаги операциялардан тушадиган даромадлар;

якка тартибда уй-жой қурилиши учун ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш ҳуқуқларини кимошди савдосида сотишдан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромад ва тушумлар.

6. Жамғармага:

маблағларни шакллантириш манбаларини тўлдириш учун ипотека ва уй-жой облигациялари, шунингдек бошқа қимматли ипотека қоғозлари чиқариш ва сотишга, кимошди савдоларида иштирок этишга;

банкларга уч йиллик имтиёзли давр билан камида 15 йил муддатга ва Жамғар-

* 1-илова берилмайди.

** 2-Зиловалар рус тилидаги матнда берилган.

мани бошқариш бўйича Васийлик кенгаши томонидан ҳар бир кредит линияси бўйича тасдиқланадиган фоиз ставкаси билан қайтариш асосида уй-жойларни реконструкция қилиш ва харид қилишга, шунингдек янги қурилишга ҳар бир якка тартибда қарз олувчи ҳисобига энг кам иш ҳақи миқдорининг тегишли равишда 2500 ва 3000 карра миқдорида, аммо уй-жой қурилиши, реконструкция қилиш ва харид қилиш қийматининг 75 фоизидан ошмайдиган миқдорда кредит линиялари очишга рухсат берилсин.

7. Жамғарма барча турдаги солиқлардан ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод қилинсин, ягона ижтимоий тўлов бундан мустаснодир.

8. Банклар маблағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланмаганлиги фактлари аниқланган ҳолларда ана шу аниқланган маблағнинг ҳаммаси Жамғарма билан банк ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган жарималарни қўллаган ҳолда Жамғарма ҳисобига муддатидан илгари қайтарилиши белгилаб қўйилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳисобот йилининг 1 ноябридан кечиктирмай ҳар йили Жамғармага уй-жой қурилиши учун ажратиладиган ер майдонлари ва прогноз қилинаётган йилга мўлжалланган уй-жой қурилиши ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги ПҚ–10-сон қарори 3-бандининг учинчи хатбошидаги «икки йиллик» сўзлари «уч йиллик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 6 май,
ПҚ–69-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИНING
ҚАРОРИ

132 Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
27 апрелда 1473-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 7 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сонли «Акциядорлик жамиятларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами 1998 й. 8-сон, 31-бет), 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2003 й. 7-8-сон, 63-бет) ва 2003 йил 24 июлдаги 325-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг кадрлар потенциалини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2003 й. 14-сон, 118-бет) қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 14 март,
33-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Давлат мулки қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 14 март,
01/06-18/02-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

133 Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
27 апрелда 630-8-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 7 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7, 17-моддаларига асосан, Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида» низомга (1999 йил 11 февраль, рўйхат рақами 630) киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтганидан кейин ўн кундан сўнг кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 19 март,
5/2-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**134** Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
27 апрелда 573-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 7 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7, 17-моддаларига асосан, Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида» низомга (1998 йил 19 декабрь, рўйхат рақами 573) киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтганидан кейин ўн кундан сўнг кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 19 март,
5/3-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛК ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА
НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

135 Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни
чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
27 апрелда 1216-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 7 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги қонунларига асосан, Марказий банк Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази **қарор қилади:**

1. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисида» низомга (2003 йил 12 февраль, рўйхат рақами 1216) киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтганидан кейин ўн кундан сўнг кучга киритилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 19 март,
5/4-сон

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директори М. ЮНУСМАТОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 19 март,
№

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT PATENT
IDORASI DIREKTORINING
BUYRUGI

136 Ихтирога Ўзбекистон Республикаси патентини бериш
учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш
қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
27 апрелда 1329-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 7 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 2 февралдаги 9-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ихтирога Ўзбекистон Республикаси патентини бериш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига (2004 йил 22 март, рўйхат рақами 1329) қўшимчалар иловага* мувофиқ киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

Давлат патент идораси директори А. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 30 март,
27-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**137 Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
30 апрелда 1337-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 10 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари асосида Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредитлар бериш тартиби тўғрисида низом»га (2004 йил 16 апрель, рўйхат рақами 1337 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 15-сон, 182-модда) иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган кундан ўн кундан сўнг кучга киради.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 9 апрель,
6/3-сон

Марказий банки Бошқарувининг
2005 йил 9 апрелдаги 6/3-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси
ҳосилни гаровга олган ҳолда кредитлар бериш тартиби
тўғрисида низомга киритилаётган қўшимчалар**

1. 4-банд қуйидаги таҳрирдаги янги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тижорат банклари ушбу кредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкалари белгилаш борасида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эгалар».

2. 5-банд бешинчи хатбошидан кейин қуйидаги таҳрирдаги янги хатбоши билан тўлдирилсин:

«ғалла ҳосилини ўриш ва пахта хом ашёси йиғим-терими харажатлари учун тўловлар».

3. 10-банд қуйидаги таҳрирдаги янги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, ушбу Низомнинг 5-бандида келтирилган экинларни етиштириш харажатларининг ҳар бир турини молиялаштириш учун бериладиган кредитларнинг энг кўп миқдорини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув

хўжалиги вазирлиги томонидан ҳар йилги ҳосил учун тасдиқланган агротехкарталардан келиб чиққан ҳолда белгилаш тавсия этилади».

4. Мазкур қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 8 апрель

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 8 апрель

Давлат мулки қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 8 апрель

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси А. АБДУАЗИЗОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 8 апрель

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С. ҚОБИЛОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 8 апрель

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР
АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

138 Шахпахта конини қўшимча очиш бўйича 2004 йил
14 апрелдаги маҳсулот тақсимотига оид битим дои-
расида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали
олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштирув
қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
2 майда 1474-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 12 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қону-
нининг 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил
9 апрелдаги 168-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақасидаги Шах-
пахта конини қўшимча очиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Респуб-
ликаси Давлат божхона қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги **қарор
қиладилар:**

1. Шахпахта конини қўшимча очиш бўйича 2004 йил 14 апрелдаги маҳсулот
тақсимотига оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси ор-
қали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштирув Қоидалари илова-
га* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхати-
дан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 7 апрель,
01-02/20-5-сон

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Н. НАЖИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 7 апрель,
НН-01/10-1213-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2005 йил 23 апрелдан 6 майгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2005 йил 14 мартдаги 33, 01/06-18/02-сонли қарори.*

2005 йил 27 апрелда 1473-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 7 майдан кучга киради).

2. «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 19 мартдаги 5/2-сонли қарори.*

2005 йил 27 апрелда 630-8-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 7 майдан кучга киради).

3. «Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилни ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 19 мартдаги 5/3-сонли қарори.*

2005 йил 27 апрелда 573-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 7 майдан кучга киради).

4. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2005 йил 19 мартдаги 5/4, 2005-1216-02-сонли қарори.*

2005 йил 27 апрелда 1216-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 7 майдан кучга киради).

5. «Ихтирога Ўзбекистон Республикаси патентини бериш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2005 йил 30 мартдаги 27-сонли буйруғи.*

2005 йил 27 апрелда 1329-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 7 майдан кучга киради).

6. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар кири-

тиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 9 апрелдаги 6/3-сонли қарори.

2005 йил 30 апрелда 1337-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 10 майдан кучга киради).

7. «Шахпахта конини қўшимча очиш бўйича 2004 йил 14 апрелдаги маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштирув қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташиқ иқтисодий алоқалар агентлигининг 2005 йил 7 апрелдаги 01-02/20-5, НН-01/10-1213-сонли қарори.

2005 йил 2 майда 1474-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 12 майдан кучга киради).

